## 120 ШАРТНОМА

Тошкент ш. 2022 йил "7" 11

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталувчи **Президент таълим муассасалари агентлиги** номидан Низом асосида фаолият юритувчи Директор Х.Умарова бир томондан, ва кейинги ўринларда Хизмат кўрсатувчи деб аталувчи **Tashketering МЧЖ** номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Ш.Хошимов иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Хизмат кўрсатиш Шартномасига кўра, Хизмат кўрсатувчи Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида қайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса — ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Хизмат кўрсатувчи мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, тугагунига қадар ҳар куни Буюрмачи тадбир иштирокчиларини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган ҳолда, шартноманинг 1-2-иловасига асосан, Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофиқ 5 (беш) маҳал иссиқ овқат ҳамда ёпилиш маросими учун кетринг хизматини ташкил этиш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, Мухаммад Ал-Хоразмий ихтисослаштирилган мактаби;

Тадбир иштирокчилари сони: беш маҳал овқатланадиган иштирокчилар сони: 150 нафар, ёпилиш маросими иштирокчилари сони 200 нафар.

Хизмат кўрсатиш муддати: 5 (беш) кун.

1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Хизмат кўрсатувчи томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактурани имзолаганидан ҳамда Буюртмачи томонидан Хизмат кўрсатувчининг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. **Хизмат кўрсатувчи қуйидагиларга мажбур:**

2.1.1. Таомни сифатли тайёрлаш бўйича белгиланган талабларга тўлиқ мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.

2.1.2. Тадбир иштирокчиларининг овқатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ҳамда шу маҳсулотлардан фойдаланиш.

2.1.3. Хизмат кўрсатувчи буюртмачининг буюртмасига асосан, шартноманинг 1.3 бандида кўрсатилган муддатда белгиланган тартибда ҳар кунлик овқат билан таъминлаш.

2.1.4. Хизматларни ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар тўғрисидаги далодатномада кўрсатилган ҳолда тўлиқ ҳажмда кўрсатиши.

2.1.5. Хизматлар кўрсатиш жараёнида мактаб ошхоналарида ўз фаолиятини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга ошириш. Таомларнинг (озиқ-овқат маҳсулотларининг) сифатлилиги, таом тайёрлаш ва истеъмол қилиш жойларининг озодалигига риоя этиш, шунингдек, ошхона идишларининг санитария қоидаларига жавоб беришини таъминлаш. Агарда ушбу мажбуриятлар юзасидан камчилик аниқланганда, Хизмат кўрсатувчи зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини 1 кун муддат ичида бажариш.

2.1.6. Малакали, тажрибали, қуйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга Буюртмачига тақдим этган ҳолда таом тайёрлаш жараёнига рухсат этиши.
2.1.7. Хизмат кўрсатувчи тадбир иштирокчиларини овқатлантириш хизматини мактаб ошхонасининг ўзида тўлиқ ва сифатли ташкил этиш, шунингдек, иштирокчиларга белгиланган вақтда таомларни тайёрлашда тартиб-қоидаларга риоя қилиш.
2.1.8. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.
2.1.9. Хизматлар нархини оширмаган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан: солиқлар тўлаш; белгиланган тартибда у билан меҳнат шартномаси тузган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш; озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш; озиқ-овқат маҳсулотларини савдо нуқталаридан хизмат кўрсатиш жойигача етказиш; ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан таъминлаш, ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналарини ва бошқа жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаши, қайта тўлдириш, бино ва иншоатларни ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш, хона, мебель, инвентарь ва бошқаларни зарур ҳолатда сақлаш ва жорий таъмирлаш.
2.1.10. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда Буюртмачидан ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлар ва ошхона мебелини қабул қилиб олиш.
2.1.11. Санитария-гигиена ва бошқа қоидаларга риоя қилмаганлиги сабабли назорат қилувчи органлари томонидан қўлланилувчи молиявий ҳамда бошқа санкция ва жарималар учун шахсан Хизмат кўрсатувчи жавобгар.
2.1.12. Хизмат кўрсатувчи хизматни бошлаши олдидан, ўзи ва таом тайёрлаш ҳамда етказиб бериш бўйича барча ходимлари тўғрисидаги маълумотларни (хужжат нусхалари билан) Буюртмачига тақдим этиш.
2.1.13. Хизмат кўсатувчи таомномада тайёр таомлар вазни, нархи, сарфланган маҳсулотлар тури ва уларнинг миқдорлари кўрсатилади.
2.1.14. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-фактура ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиш.
2.1.15. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачи тадбир иштирокчиларини овқатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.
2.1.16. Хизмат кўрсатувчи қонун хужжатларида белгиланган бошқа хуқуқларга эга.
**2.2. Хизмат кўрсатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
2.2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачидан тўловларни ўз вақтида тўланишини талаб қилиш.
2.2.2. Тадбир иштирокчиларининг овқатланишини ташкил этиш учун мактаб ошхонасининг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебель анжомларини тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси «ноль» ставкаси бўйича вақтинча фойдаланишга олиш.
**2.3. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:**
2.3.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун белгиланган нархлар бўйича келишилган тартибда Хизматлар ҳақини тўлаш.
2.3.2. Хизмат кўрсатувчига тадбир иштирокчиларининг овқатланишини ташкил этиш учун «ноль» ставкаси бўйича ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебель анжомларини вақтинча фойдаланишга топшириш бўйича тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ҳамда ижара шартномасини расмийлаштириш.
2.3.3. Фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида мактабга ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш.
2.3.4. Ижара шартномаси доирасида Хизмат кўрсатувчига вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари ва мебелларни фойдаланиш учун «ноль» ставкада топшириш.

2.3.5. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Хизмат кўрсатувчини уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш.

**2.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.4.1. Хизмат кўрсатувчи томонидан бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва таёрланаётган таомларнинг сифатини таомномага мувофиқлигини исталган вақтда ўз вакиллари орқали текшириш;

2.4.2. Хизмат кўрсатувчидан ўз мажбуриятларини ушбу шартнома ва танлаш хужжатларида белгиланган талаблар доирасида бажаришини талаб қилиш;

2.4.3. Хизмат кўрсатувчидан шартнома шартлари бажармаслиги ва/ёки зарар етказган ҳолатларда зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4.4. Шартномани мазкур шартноманинг 2.3.5. банди талабларига риоя қилган ҳолда муддатидан олдин бекор қилиш, бунда Буюртмачи Хизмат кўрсатувчини шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма равишда огоҳлантирганида, мазкур шартноманинг 2.3.5. бандида назарда тутилган муддат ўтганидан сўнг, Хизмат кўрсатувчидан рад жавобини олган тақдирда, Хизмат кўрсатувчига кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаб, шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш;

2.4.5. Хизмат кўрсатувчи томонидан тайёрланган таомни истеъмол қилиш натижасида тадбир иштирокчиларининг касалланиши ҳолати юз берган тақдирда, шартнома талабларига риоя қилмаган ҳолда бир тарафлама бажаришдан бош тортиш;

2.4.6. Буюртмачи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа хуқуқларга эга.

## III. ШАРТНОМАНИНГ НАРХИ ВА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартнома умумий суммаси **114 750 000 (бир юз ўн тўрт миллион етти юз эллик минг) сўмни** ташкил қилади (3-илова).

3.2. Буюртмачи олдиндан тўловни шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи миқдорида шартнома кучга кирган кундан 10 (ўн) банк куни ичида ўтказади.

3.3.1. Қолган 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб тақдим этилган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

3.3.2. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида тўланади.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Хизмат кўрсатувчи Буюртмачи тадбир иштирокчиларининг овқатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня (жарима) тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

4.5. Шартнома асосида хизматларни бажариш санаси ишларни бажариш далолатномаси расмийлаштирилган сана ҳисобланади.

4.6. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг маъсул ходими томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4.7. Шартнома ва танлаш хужжатларида белгиланган хизмат ёки маҳсулотлар сифати, стандартлари ҳамда техник топшириқларига мос бўлмаса, Хизмат кўрсатувчи мос келмаган маҳсулот сифати ёки хизмат нархидан 50% жарима тўлайди.
4.8. Хизмат кўрсатувчи томонидан кўрсатилган хизмат учун Буюртмачи томонидан ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун Буюртмачи Хизмат кўрсатувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорда пеня, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

## V. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

5.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.
5.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.
5.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.
5.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.
5.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## VI. МУНОЗАРАЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
6.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Иқтисодий судларда кўриб чиқиш учун берилади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлар мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда ҳолатлар оқибати ҳисобланса, мажбуриятдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

## VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.
8.2. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## IX. МАЗКУР ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Ғазначилиги рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ**

**Tashketering МЧЖ**

Тошкент шаҳри, Шайҳонтоҳур тумани, Гулобод мавзеси, М.Уйғур кўчаси, 7-уй.
Тел.: +99899 999-91-90
х/р: 2020 8000 0009 6094 7001
ИНН: 305961225, МФО: 01115
ЧАКБ Orient Finans Bank Шайҳонтоҳур филиали

Директор ____________ Ш.Хошимов

**БУЮРТМАЧИ**

**Президент таълим муассасалари агентлиги**

Манзил: Тошкент шаҳар, 100125, М.Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси 31В-уй Тел.: 71 207-20-17,
ш.ғфв: 4001 1086 0262 6970 9890 2347 001
СТИР: 306705224, Молия вазирлиги Ғазначилиги,
х/р:2340 2000 3001 0000 1010
Марказий банкнинг Тошкент шаҳар ХККМ МФО: 00014, СТИР: 201122919

Директор ____________ Х.Умарова

2022 йил "7" 11 даги 120 - сонли шартномага
1-илова

**“Eco-Schools Uzbekistan” лойиҳаси доирасидаги “Eko-oromgoh” тадбири учун болалар, уларга бириктирилган ҳамроҳлар ва жалб этилган мутахассислар учун беш маҳал овқатланиш**

## МЕНЮ

## Тадбир иштирокчилари сони: 150 киши

| 1-кун | | 2-кун | | 3-кун | | 4-кун | | 5-кун | | 6-кун | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Нонушта | | Нонушта | | Нонушта | | Нонушта | | Нонушта | | Нонушта | |
| *Таом номи* | *Вазни* | *Таом номи* | *Вазни* | *Таом номи* | *Вазни* | *Таом номи* | *Вазни* | *Таом номи* | *Вазни* | *Таом номи* | *Вазни* |
| **Нонушта** | | **Нонушта** | | **Нонушта** | | **Нонушта** | | **Нонушта** | | **Нонушта** | |
| Ширин сутли манка бўтқаси | 250 | Ширин сутли сули бўтқаси | 250 | Ширин сутли гуруч бўтқаси | 250 | Ширин сутли манка бўтқаси | 250 | Ширин сутли лапша бўтқаси | 250 | Ширин сутли гуруч бўтқаси | 250 |
| Қайнатилган тухум | 1 дона | Пишлок | 30 | Қайнатилган тухум | 1 дона | Пишлок | 30 | Қайнатилган тухум | 1 дона | Пишлок | 30 |
| Сариёғ | 30 | Сариёғ | 30 | Сариёғ | 30 | Сариёғ | 30 | Сариёғ | 30 | Сариёғ | 30 |
| Ширин чой | 200 | Лимонли ширин чой | 200 | Ширин чой | 200 | Лимонли ширин чой | 200 | Ширин чой | 200 | Лимонли ширин чой | 200 |
| Нон | 120 | Нон | 120 | Нон | 120 | Нон | 120 | Нон | 120 | Нон | 120 |
| **Иккинчи нонушта** | | **Иккинчи нонушта** | | **Иккинчи нонушта** | | **Иккинчи нонушта** | | **Иккинчи нонушта** | | | |
| Кишмишли кекс | 85 | Творогли ватрушка | 85 | Картошка сомса | 85 | Творогли пирог | 85 | Творогли запеканка | 85 | | |
| Какаоли сут | 200 | Сутли чой | 200 | Какаоли сут | 200 | Сутли чой | 200 | Сутли чой | 200 | | |
| **Тушлик** | | **Тушлик** | | **Тушлик** | | **Тушлик** | | **Тушлик** | | | |
| Мампар сметана билан | 250/15 | Мол гўштидан сабзавотли шўрва сметана билан | 250/15 | Мастава сметана билан | 250/15 | Вермишел шўрва сметана билан | 250/15 | Мол гўштидан борщ | 250/15 | | |
| Мол гўштидан гуляш подливкали | 80 | Ош | 200 | Товук гўштидан котлет | 80 | Картошка ва гўштли манти | 200 | Ош | 200 | | |
| Гарнир картошка пюре | 120 | Помидор ва кўкатли салат | 70 | Картошка пюре+гречка гарнир+сабзавотли подливка | 120 | Соус | 20 | Қуритилган мевалардан компот | 180 | | |
| Қуритилган мевалардан компот | 180 | Қуритилган мевалардан компот | 180 | Қуритилган мевалардан компот | 180 | Қуритилган мевалардан компот | 180 | Бодринг ва кўкатли салат | 70 | | |
| Бодринг ва кўкатли салат | 70 | Нон | 180 | Фунчоза ва кўкатли салат | 70 | Сабзавотли салат | 70 | Нон | 180 | | |
| Нон | 180 | | | Нон | 180 | Нон | 180 | | | | |
| **Толма чой** | | **Толма чой** | | **Толма чой** | | **Толма чой** | | **Толма чой** | | | |
| Йогурт | 200 | Катик | 200 | Йогурт | 200 | Катик | 200 | Йогурт | 200 | | |
| Мевалар (олма) | 100 | Мевалар (банан) | 100 | Мевалар (олма) | 100 | Мевалар (банан) | 100 | Мевалар (олма) | 100 | | |
| **Кечки овқат** | | **Кечки овқат** | | **Кечки овқат** | | **Кечки овқат** | | **Кечки овқат** | | | |
| Товук гўштидан димлама | 300 | Лагмон | 300 | Мошкичири | 300 | Мол гўштидан карамли димлама | 300 | Сабзавот билан димланган товук | 300 | | |
| Қайнатилгани лавлаги ва картошкадан кўкатли салат | 70 | Карам ва кўкатли салат | 70 | Помидор ва кўкатли салат | 70 | Қайнатилгани лавлаги ва картошкадан кўкатли салат | 70 | Помидор ва кўкатли салат | 70 | | |
| Мевали компот | 200 | Мевали кисел | 200 | Мевали компот | 200 | Мевали компот | 200 | Мевали компот | 200 | | |
| Нон | 100 | Нон | 100 | Нон | 100 | Нон | 100 | Нон | 100 | | |
| | | | | | | | | | | | |

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ____________

БУЮРТМАЧИ ____________

2022 йил "7" 11 даги
120 -сонли шартномага
2-илова

**Eco-Schools Uzbekistan" лойихаси доирасидаги "Eko-oromgoh" тадбири учун болалар, уларга бириктирилган хамрохлар ва жалб этилган мутахассислар учун ёпилиш маросимига кетринг хизматини ташкил этиш**

**МЕНЮ**

*(рус тилидаги матнда берилган)*

**Тадбир иштирокчилари сони: 200 киши**

| № | *Наименование* | Ед.изм. | Кол-во |
|---|---|---|---|
| | **Горячие мини закуски:** | | |
| 1 | Мини-сомса с мясом | шт | **100** |
| 2 | Мини-сомса с курицей и грибами | шт | **100** |
| 3 | Мини-сомса с овощами | шт | **100** |
| 4 | Мини бургури | шт | **100** |
| 5 | Спринг-ролл с курицей | шт | **100** |
| 6 | Спринг-ролл с овощами | шт | **100** |
| 7 | Спринг-ролл с брынзой и зеленью | шт | **100** |
| | **Холодные мини закуски в ассортименте** | | |
| 8 | Канапе с ростбифом и помидором черри | шт | **60** |
| 9 | Канапе с индейкой | шт | **60** |
| 10 | Мини эклер с мусом | шт | **60** |
| 11 | Тарталетка с курицей | шт | **60** |
| 12 | Тарталетка с говядиной | шт | **60** |
| | **Мини десерты:** | | |
| 13 | Муссовий десерт с шоколадом | шт | **50** |
| 14 | Муссовий десерт с малиной | шт | **50** |
| 15 | Мини эклер кокосовый | шт | **50** |
| 16 | Мини эклер сникерс | шт | **50** |
| 17 | Мини пирожоное опера | шт | **50** |
| 18 | Мини Пирожжоное Чизбрауни | шт | **50** |
| | **Барная продукция:** | | |
| 19 | Минеральная вода | шт | **80** |
| 20 | Кока кола | шт | **80** |
| 21 | Сок производства Руз | шт | **80** |
| 22 | Фирменный чай в ассортименте | шт | **80** |
| 23 | Кофе Зерновой | шт | **80** |
| | **Аренда инвентаря и персонала (предоставляется Исполнителем):** | | |
| 1 | Официант (из рассчета один раб.день) | шт | **8** |
| 2 | Менеджер (из рассчета один раб.день) | шт | **2** |
| 3 | Коктелный столики с чехлами | шт | **15** |
| 4 | Посуда персональная фарфоровая | шт | **200** |
| 5 | Комплект мебели, текстиля, посуды для посадочного зала | шт | **12** |
| 6 | Логистика (транспортировка) | шт | **2** |
| … | И другие необходимые товары | | |

**ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ** **БУЮРТМАЧИ**

TASHCATERING
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENT TA'LIM MUASSASALARI AGENTLIGI

2022 йил "7" 11 даги
120 -сонли шартномага
3-илова

**Eco-Schools Uzbekistan" лойиҳаси доирасидаги "Eko-oromgoh" тадбири учун овқатланиш хизматини ташкил этиш**

**СПЕЦИФИКАЦИЯСИ**

| № | Хизмат номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси (ҚҚС билан) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Eko-oromgoh" тадбири учун болалар, уларга бириктирилган ҳамроҳлар ва жалб этилган мутахассислар учун беш маҳал овқатланиш – 150 киши | порция | 750 | 100 000 | 75 000 000 |
| 2 | Eko-oromgoh" тадбири учун болалар, уларга бириктирилган ҳамроҳлар ва жалб этилган мутахассислар учун ёпилиш маросимига кетринг хизмати – 200 киши | киши | 200 | 198 750 | 39 750 000 |
| | **ЖАМИ** | | | | **114 750 000** |

**ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ** **БУЮРТМАЧИ**

TASHCATERING

**«TASDIQLAYMAN»**
**O'zbekiston Respublikasi**
**Prezident ta'lim muassasalari agentligi**
**direktori - Xarid komissiyasi raisi**

**____________ X.Umarova**

**«__7__» ___11___ 2022-yil**

**O'zbekiston Respublikasi Prezident ta'lim muassasalari agentligi**
**davlat xaridlarini tashkil etish bo'yicha doimiy xarid komissiyasi yig'ilishining**

# 3 - SONLI BAYONI

2022-yil 5-noyabr Toshkent sh.

**Raislik qildi:** X.Umarova – O'zbekiston Respublikasi Prezident ta'lim muassasalari agentligi (keyingi o'rinlarda Agentlik deb yuritiladi) direktori.

**Ishtirokchilar:** **Komissiya a'zolari:**
B.Taxirov - Agentlik direktori o'rinbosari;
X.Shakirov - Moliya – iqtisod boshqarmasi boshlig'i;
R.Musurmonov - Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bo'limi boshlig'i;
X.Usmonov - Tashkiliy nazorat va murojaatlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i.
Komissiya kotibi:
M.Saidov – Moddiy-texnika ta'minoti bo'limi boshlig'i

## KUN TARTIBI:

**"Eco-Schools Uzbekistan" loyihasi doirasidagi "Eko-oromgoh" tadbirini o'tkazish bo'yicha bolalar, ularga biriktirilgan hamrohlar va jalb etilgan mutaxassislar uchun besh mahal ovqatlanish hamda yopilish marosimi uchun ketring xizmatini xarid qilish**

*(X.Umarova, B.Taxirov, X.Shakirov, R. Musurmonov, X.Usmonov, X.Umarova)*

O'zbekiston Respublikasi Prezident ta'lim muassasalari agentligining
2022 yil 17 oktyabrdagi ""Eco-Schools Uzbekistan" loyihasi doirasidagi "Eko-oromgoh" tadbirini o'tkazish to'g'risida"gi 116-AF-son buyrug'ida belilangan vazifalar ijrosini ta'minlash yuzasidan "Eko-oromgoh" tadbiridagi ishtirokchilar uchun ovqatlanish xizmatini xarid qilish maqsadida maxsus axborot portalida 2022 yil 26 oktyabrdan 2 noyabrga qadar (lot raqami 171000-son) e'lon joylashtirilganligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

Shuningdek, tanlovga taklif berishning oxirgi muddati, ya'ni 2022 yil 2 noyabr soat 18:36ga qadar, ishtirokchilar tomonidan 5ta taklif kelib tushgan bo'lib, ularning takliflari tanlov hujjatiga muvofiqligi o'rganib chiqildi hamda Xarid komissiyasining 2022 yil 3 noyabrdagi elektron bayoni rasmiylashtirilgan (ilova qilinadi).

Davlat xaridlari to'g'risida O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 2021 yil 22 apreldagi O'RQ-684-son Qonunining 63-moddasiga asosan:

g‘olib shartnoma tuzishni rad etgan taqdirda xarid komissiyasi tomonidan zaxiradagi g‘olib aniqlangan bo‘lsa, shartnoma tuzish va unga doir majburiyatlarni bajarish huquqi zaxiradagi g‘olibga o‘tishi; amaldagi

bunda zaxiradagi g‘olib/ g‘olib tomonidan taklif etilgan narx bo‘yicha shartnoma tuzishi yoki shartnoma tuzishni rad etishi mumkinligi belgilab o‘tilgan.

Mazkur tanlovning elektrton tarzda berilgan tijoriy takliflarining natijalariga ko‘ra, Ekonoma XF (STIR 204706418) 114 750 000 so‘m taklif bilan g‘olib deb va Tashcatering MChJ (STIR 305961225) 133 950 000 so‘m taklif bilan, zahira g‘olibi deb topildi.

Biroq, g‘olib tashkilot elektron tarzda taklifni rad etdi va avtomatik tarzda zahira g‘olibiga taklif yuborildi hamda zahira g‘olibi taklifni qabul qildi.

Elektron shakldagi bayonnoma u rasmiylashtirilgan kunda davlat xaridlarining elektron tizimiga muhokama qilish uchun ikki ish kuniga joylashtirilgan.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, xarid komissiyasi raisi, “Eko-oromgoh” tadbiridagi ishtirokchilar uchun ovqatlanish xizmatini xarid qilishda zaxiradagi g‘olib g‘olib tomonidan taklif etilgan narx bo‘yicha 114 750 000 so‘m taklif bilan Tashcatering MChJ (STIR 305961225) taklifni qabul qilganligini hisobga olib ijrosi tashkilot sifatida tanlab olish ovozga qo‘yildi.

**Rozi – bir ovozdan**

Kun tartibidagi masalalarni muhokama qilib, fikr almashgandan so‘ng, Xarid komissiyasi **qaror qabul qiladi**:

1. Moddiy-texnika ta’minoti bo‘limi ikki ish kuni ichida tanlash ishtirokchilari tomonidan tanlash o‘tkazish natijalari bo‘yicha e’tirozlar kelib tushmaganligi sababli, xarid komissiya tomonidan g‘olib deb topilgan Tashcatering MChJ (STIR 305961225) bilan “Eko-oromgoh” tadbiridagi ishtirokchilar uchun ovqatlanish xizmatini ko‘rsatish bo‘yicha umumiy qiymati 114 750 000 so‘m bo‘lgan shartnoma tuzib davlat xaridlarining elektron tizimiga joylashtirish va o‘rnatilgan tartibda tegishli G‘aznachilik bo‘linmalarida ro‘yxatdan o‘tkazish vazifalari yuklatilsin.

2. “Eko-oromgoh” tadbiridagi ishtirokchilar uchun ovqatlanish xizmatini xarid qilish bilan bog‘liq xarajatlarni Iqtidorli yoshlarni qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan amalga oshirilsin.

3. Mazkur bayonnoma ijrosini nazorat qilish direktor o‘rinbosari B.Taxirov zimmasiga yuklatilsin.

**Komissiya a’zolari:**

B. Taxirov ____________

X.Shakirov ____________

R. Musurmonov ____________

X. Usmonov ____________

**Komissiya kotibi:** M.Saidov

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 171000 на приобретение “Eko-oromgoh” тадбиридаги иштирокчилар учун овқатланиш хизматини харид қилиш

Способ проведения электронный

Дата 03.11.2022

Время рассмотрения 02.11.2022 22:27

Закупочная комиссия Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | UMAROVA XILOLA UKTAMOVNA | Директор | Агентство Президентских образовательных учреждении |
| **Секретарь комиссии** | SAIDOV MAXAMMADFOZIL MAXAMATAMINOVICH | Начальник отдела | Агентство Президентских образовательных учреждении |
| **Член комиссии** | SHAKIROV XASAN RUSTAMOVICH | Начальник управления | Агентство Президентских образовательных учреждении |
| **Член комиссии** | USMONOV XASAN TOXIROVICH | Начальник отдела | Агентство Президентских образовательных учреждении |
| **Член комиссии** | MUSURMONOV RABBIM NURMAXAMATOVICH | Начальник отдела | Агентство Президентских образовательных учреждении |
| **Член комиссии** | TAXIROV BOSIT BAXTIYAROVICH | Заместитель директора | Агентство Президентских образовательных учреждении |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.11.2022 года № лота 171000.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 61

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по обеспечению питанием, осуществляемые по договору** |
|---|---|
| Подробное описание | Eko-oromgoh” тадбири учун болалар, уларга бириктирилган ҳамроҳлар ва жалб этилган мутахассислар учун беш маҳал овқатланиш – 150 киши |
| Количество товара | 750.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 130 000.00 |
| Стартовая сумма | 97 500 000.00 |

| | |
|---|---|
| Валюта | UZS |

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуги по обеспечению питанием, осуществляемые по договору |
|---|---|
| Подробное описание | Eko-oromgoh" тадбири учун болалар, уларга бириктирилган ҳамроҳлар ва жалб этилган мутахассислар учун ёпилиш маросимига кетринг хизмати - 200 киши |
| Количество товара | 200.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 330 000.00 |
| Стартовая сумма | 66 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Tanlash ishtirokchisi qayta tashkil etish, tugatilish yoki bankrotlik bosqichida, buyurtmachi bilan sud jarayoni yoki arbitraj holatida, insofsiz ijrochilarning yagona reyestrida mavjud emasligi haqida, shuningdek ilgari tuzilgan shartnomalar bo'yicha zarur darajada bajarilmagan majburiyatlarning yo'qligi to'g'risida kafolat xati

Тип: Текстовое значение

Описание: Kafolat xati shakli 2-sonli ilovaga asosan

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО POYTAXT G`OYA TAOM** | 5 | Файл прикреплён | 5 | Экспертная | | |
| **STROY AND FOOD SERVIS MCHJ** | 5 | Файл прикреплён | 5 | Экспертная | | |
| **ООО TASHCATERING** | 5 | гарантийное письмо | 5 | Экспертная | | |
| **ООО RATSION UZB** | 5 | письмо | 5 | Экспертная | | |
| **EKONOMA** | 5 | кафолат хати | 5 | Экспертная | | |

Критерий №2 Tanlash ishtirokchisining soliqlar va boshqa majburiy to'lovlardan qarzdorligi mavjud emasligi to'g'risida soliq organidan olingan ma'lumotnoma

Тип: Текстовое значение

Описание: Soliq organidan olingan ma'lumotnoma

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО POYTAXT G`OYA TAOM** | 5 | Файл прикреплён | 5 | Экспертная | | |
| **STROY AND FOOD SERVIS MCHJ** | 5 | Файл прикреплён | 5 | Экспертная | | |
| **ООО TASHCATERING** | 5 | справка ГНИ | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО RATSION UZB** | 5 | справка ГНИ | 5 | Экспертная | | |
| **EKONOMA** | 5 | маълумотнома | 5 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ishtirokchi texnik taklifni texnik topshiriqning 1-2-ilovalarida keltirilgan menyu jadvaliga muvofiq rasmiylashtirib, ishtirokchining imzo va muhri bilan tasdiqlangan holda tizim orqali elektron shaklda taqdim etishi lozim

Тип: Текстовое значение

Описание: Texnik topshiriqning 1-2-ilovalarida keltirilgan menyu jadvaliga muvofiq

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО POYTAXT G`OYA TAOM** | 60 | Файл прикреплён | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | 5-махал овқатланиш менюси техник топшириқнинг 1-иловаси шаклига мувофиқ тақдим этилмаган. Шунингдек, ёпилиш маросимига кетринг хизматини ташкил этиш бўйича меню умуман тақдим этилмаган (2-илова) |
| **STROY AND FOOD SERVIS MCHJ** | 60 | Файл прикреплён | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Техник топшириқнинг 1 ва 2 илова шаклига асосан меню умуман тақдим этилмаган |
| **ООО TASHCATERING** | 60 | меню | 60 | Экспертная | | |
| **ООО RATSION UZB** | 60 | меню | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Техник топшириқга асосан ёпилиш маросимига кетринг хизматини ташкил этиш бўйича меню тақдим этилмаган (2-илова) |
| **EKONOMA** | 60 | техник таклиф | 60 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ishtirokchi tomonidan korrupsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik bo'yicha ariza

Тип: Текстовое значение

Описание: Ariza erkin shaklda

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО POYTAXT G`OYA TAOM** | 5 | Файл прикреплён | 5 | Экспертная | | |
| **STROY AND FOOD SERVIS MCHJ** | 5 | Файл прикреплён | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Ариза тақдим этилмаган |
| **ООО TASHCATERING** | 5 | Письмо, договора | 5 | Экспертная | | |
| **ООО RATSION UZB** | 5 | письмо | 5 | Экспертная | | |
| **EKONOMA** | 5 | ариза | 5 | Экспертная | | |

Критерий №5 Tanlash ishtirokchisining umumiy ma'lumoti va tajribasi haqida ma'lumotnoma

Тип: Текстовое значение

Описание: Ma'lumotnoma shakli 1-sonli ilovaga asosan

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО POYTAXT G`OYA TAOM** | 5 | Файл прикреплён | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Танлаш хужжатининг 1-илова шаклига асосан, иштирокчининг умумий маълумоти тақдим этилмаган |
| **STROY AND FOOD SERVIS MCHJ** | 5 | Файл прикреплён | 5 | Экспертная | | |
| **ООО TASHCATERING** | 5 | пакет документы | 5 | Экспертная | | |
| **ООО RATSION UZB** | 5 | отчет | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Танлаш хужжатининг 1-илова шаклига асосан, маълумот тақдим этилмаган |
| **EKONOMA** | 5 | умумий маълумот | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО TASHCATERING** | 163 500 000.00 | 133 950 000.00 UZS | 133 950 000.00 | 00.00 | 133 950 000.00 | 02.11.2022 13:13:43 | 17.13326 |
| **EKONOMA** | 163 500 000.00 | 114 750 000.00 UZS | 114 750 000.00 | 00.00 | 114 750 000.00 | 02.11.2022 17:39:35 | 20 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО TASHCATERING** | 80 | 17.13326 | 97.13326 |
| **EKONOMA** | 80 | 20 | 100 |
| **ООО RATSION UZB** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **STROY AND FOOD SERVIS MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ООО POYTAXT G`OYA TAOM** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 171000 от 03.11.2022 года на приобретение "Eko-oromgoh" тадбиридаги иштирокчилар учун овқатланиш хизматини харид қилиш определила победителем:

EKONOMA
204706418

и резервный исполнитель: ООО TASHCATERING (305961225)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | UMAROVA XILOLA UKTAMOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHAKIROV XASAN RUSTAMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | USMONOV XASAN TOXIROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUSURMONOV RABBIM NURMAXAMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TAXIROV BOSIT BAXTIYAROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП